

ИБН ТУФАЙЛ ИЖОДИДА МАЖОЗИЙ ТАСВИР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Баҳромов Ильёсхон Исмоилович

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Араб романчилик тарихида илк асар муаллифи сифатида эътироф этилган адиб, мутафаккир олим ибн Туфайл қаламига мансуб “Ҳайй ибн Яқзон” номли асарнинг яратилиш тарихи, китобнинг нашр этилиши, унда қамраб олинган асосий бадий-фалсафий-диний жиҳатлар, муаллиф томонидан қўлланилган мажозий усуллар ва адиб меҳнати ва ютуқларининг кейинги даврларда адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, асарнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳамда романчилик ривожига аҳамияти каби масалаларга эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: Андалус, ҳижрий, фалсафа, астрономия, илоҳиёт, Ибн Рушд, борлиқ, осмон жисмлари, олам, коинот, инсон, билиш, рух, роман, шеърят, Ҳиндавий жамғармаси, “Робинзон Крузо”, саргузашт, ривоят, “Маугли”

КИРИШ

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Туфайл ал-Қайсий ал-Андалусий ҳижрий 495 ва 505-йиллар оралиғида Кордовадан 53 километр узоқликда жойлашган, ҳозирда Гуадих деб аталадиган шаҳрида туғилган. У Андалусиянинг энг буюк файласуфлари ва табибларидан фалсафа ва тиббиётни ўрганган, ва Султон Абу Якуб Юсуфнинг шахсий шифокори бўлиб хизмат қилган. У шунингдек, машҳур араб файласуфи сифатида тан олинган Ибн Рушднинг замондоши ва дўсти эди.

Ибн Туфайлни машҳур қилган асар унинг "Ҳайй ибн Яқзон" асари бўлиб, бу араб адабиётида, хусусан, араб романчилик тарихида илк роман сифатида тан олинади.

"Ҳайй ибн Яқзон" китоби Ибн Туфайлнинг фалсафа, илоҳиёт, қозилик иши, астрономия, табобат илмларида жамлаган билимларини акс эттириш баробарида, унинг андалуслик араб шоири, интеллектуал ва диний билимларни фалсафий жиҳатдан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган мутафаккир, адиб ва зиёли сифатида гавдалантиради. Ушбу китоб кўплаб тилларга таржима қилинган.

Ибн Туфайл қаламига мансуб “Ҳайй бин Яқзон” номли ушбу китоб илк бор 1150-йилда нашр этилган бўлиб, орадан қарийиб 850 йил ўтса-да, ўз ўқувчиларини йўқотмаганлиги далили сифатида 2011-йилда Ҳиндавий жамғармаси томонидан қайта нашр этилган.

“Ҳайй ибн Яқзон” қадимги араб адабиётининг мумтоз асарларидан бири ва ўз туридаги дурдона асардир. Унда Ибн Туфайл фалсафа, адабиёт, дин ва таълимни бирлаштирган. Бу асар замонавий терминологияда когнитив модел (дунёқараш) деб аталадиган тушунчаларни ва чуқур фалсафий мавзуларни қамраб олган роман дея эътироф этилади.

Романда (Аллоҳ/Инсоният/Табиат) билан ифодаланган когнитив вазнининг асосий элементлари, шунингдек, бу элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳатлари тилга олинади. Унда гўдаклигида золим подшоҳнинг зулмидан қочирилиб, бир қути ичига солиниб денгиз томонга оқизиб юборилган, одамлардан холи бир оролга бориб қолган Ҳайй ибн Яқзон исмли бола ва унинг ўша оролда ҳайвонлар орасида улғайиши, табиат, олам ва одам ҳақидаги мушоҳадалари натижасида бир қанча фалсафий билимларни тафаккур қилиб ўз хулосаларига эришиши, сўнгра орадан бир қанча йиллар ўтгач, тарки дунё қилиш мақсадида ўша оролга келиб қолган бир сўфий билан учрашиб қолиши, ундан инсонлар тилини ўрганиб, диний билимлардан хабардор бўлиши, икки тажриба ва билимларнинг бирлашиши натижасида золим подшоҳ ўлимидан кейин мусулмон динини қабул қилган одамлар орасига қайтиб, жамланган билимларини инсонлар билан баҳамлашиш истаги пайдо бўлиши, бироқ бу уринишлари нафъ бермагач, яна ўзи яшаган оролига қайтиб кетиши каби воқеалар тасвирланади.

Оролда улғайган Ҳайй унга сут бериб катта қилган она кийикни ўз онаси деб билади, шунинг учун ҳайвонларни табиат ҳамширалари, табиатни эса инсон учун асосий бошпана деб тан олади, шундай муносабатда бўлади.

У ёши улғайган, танаси мустаҳкамланиб, онги етуклашиб борган сари, олам, табиат, ўзининг кимлиги, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўзгача жонзот эканлиги, уни ўраб турган оламнинг нима эканлиги, қонуниятлари, сирлари, мақсад ва вазифалари, осмон жисмлари, олам, коинот ҳақида тафаккур қилишга ўтади, бу эса уни бу коинотнинг яратувчиси мавжудлигининг муқаррарлигига олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ҳикоя Ибн Сино, Шихоб ал-Дин ас-Сухравардий, Ибн Туфайл томонидан қайта-қайта ёзилган, Ибн ан-Нафис эса бу ривоятни ўзининг фалсафий эътиқодларига мос равишда "Фадл ибн Нотиқ" номи остида ёзган. Бу ривоят кейинчалик Европа адабларидан Даниел Дефога “Робинзон Крузо” саргузашт асарини яратишга мотивация бўлган. Ҳозирда кўпчилик бу ривоят “Маугли” номли мультфильм яратилишига ҳам хизмат қилганлигини яхши билишади.

Ибн Туфайл астрономия, тиббиёт ва шеърятга каттагина ҳисса қўшган олимлардан саналади. Астрономияда унинг шогирди ал-Битружи астрономик тизимни ва Птолемейникидан фарқ қиладиган самовий жисмларнинг ҳаракатини

тушунтиришни кашф этганини ва “ички ва ташқи доиралар” тушунчаларидан воз кечганини даъво қилган. Тиббиёт ва шеърятга келсак, шоир Лисон ад-Дин ибн ал-Хатиб Ибн Туфайлнинг тиббиёт, хусусан, касалликлар ва уларни даволаш мавзуларида ҳам шеърлар ёзганини эслатиб ўтган. Унинг шунингдек, сўфийлик муҳаббати мавзусида ҳам шеърлар ёзганлиги эътироф этилади. Ибн Туфайл ҳижрий 581-йилда Марракешда вафот этган ва ўша мамлакат султони унинг дафн маросимида қатнашган.

МУҲОКАМА

Араб адиблари ва тилшунос олимларининг эътироф этишича¹, "тасвир" бу – кўзимиз билан кўрган нарсаларнинг сўзларимиз орқали ифодаси ва ўхшатилишидир. Турли хил шахслар ўртасидаги фарқларни кузатганимизда, бу фарқлар тасвирнинг табиатидан келиб чиққанлигини аниқлашимиз мумкин. Шундай қилиб, бир инсон билан бошқасининг ёки бир от билан бошқасининг ўртасидаги фарқ, бирининг тасвирига хос бўлган, бошқасининг тасвирида мавжуд бўлмаган хусусиятларга боғлиқдир. Худди шу нарса ишлаб чиқарилган буюмларга ҳам тегишли; масалан, бир узукнинг бошқасидан ёки бир билагузукнинг бошқа биридан фарқ қилгани каби.

Бундан ташқари, бирор оят маъноси билан унинг онгимиздаги тасвири ўртасида ҳам фарқ мавжуд. Биз бу фарқни ушбу оятдаги маъно ўша оятдаги тасвирдан фарқ қилади ва унинг тасвири бошқасидаги тасвирдан фарқ қилади, деб ифодаладик. "Тасвир" атамаси орқали маънонинг ифодаланиши бу – биз ўйлаб топган нарса эмас, шунинг учун ҳеч ким буни инкор эта олмайди. Аксинча, бу олимлар нутқида кенг қўлланиладиган иборадир. Шу ўринда шоир Ал-Жаҳизнинг айтган байтлари ўринли: “Шеърят – санъат ва тасвирнинг бир шаклидир”. (Абдул Қоҳир Ал-Журжоний)².

Лингвистик маъноларни тушуниш ва аниқлаш, фарқлаш, ҳолатлар ва даражаларга ажратиш соҳаларида тадқиқотлар олиб борган тилшунос олимлар араб тилининг ўзига хос сирлар ва нозикликларга эга эканлигини билишади. Сўзларнинг ҳолатлари жуда хилма-хил бўлиб, бу уларнинг маъноларида нозик ва дақиқ фарқлар мавжудлигини кўрсатади. Худди шундай, тузилмаларнинг ҳолатлари ва нутқни қуришдаги сўзларнинг позициялари ҳам жуда хилма-хил. Бу фарқлар ортида нозик ишоралар ва мазмунлар яширинган. Нотик (сўзловчи) тилга мурожаат қилар экан, кўплаб маъно ва мазмунлар билан тўйинган нозикликларини диққат марказида тутати ҳамда индивидуал сўзлар ва

¹ Бу “Мажозий тил” (التصوير المجازی) китобининг иккинчи нашри бўлиб, унинг биринчи нашри Бенғози университети томонидан нашр этилган. Китобнинг мавзуси – ўхшатиш, метафора ва метонимия сингари бадий тасвирлаш воситалари бўлиб, улар тузилиши соф лингвистик бўлмаган элементларга асосланган риторик воситалардир. Абу Мусо Муҳаммад. Ат-тасвир ал-байаний. Дирасатун таҳлилиййатун лимасабили ал-байан. Мактабату Ваҳба. Ал-Қоҳира. 1993. 3-нашр. 453 бет. Б. – 7-8.

² Абу Мусо Муҳаммад. Ат-тасвир ал-байаний. Дирасатун таҳлилиййатун лимасабили ал-байан. Мактабату Ваҳба. Ал-Қоҳира. 1993. 3-нашр. 453 бет. Б. – 4.

https://archive.org/details/20200805_20200805_1814/page/n2/mode/1up.

ибораларнинг дақиқликлари орасидан ўзи истаган маънони топади ва ўз нутқида ундан ифодалаш воситаси сифатида фойдаланади.

НАТИЖАЛАР

Шоир ёки адиб ўзининг ишора, рамз каби воситаларга тўла сўзлар заҳирасида ноёб ва дурдона сўзларни топиши мумкин. Бу пайтда унинг нотиклик маҳорати намоён бўлади ва у қалб тубидаги ноаниқ маъноларни тил воситачилигида амалга оширади.

Бунда шоир одамлар ҳаётида мавжуд бўлган воқеъликлар мурожаат қилиб ва тафаккурини, нигоҳини атрофга қаратади ёки ўз қалбининг тубига чуқур кириб, нарсаларни, ўхшашликларни, бир-бирини боғлайдиган ва бир-бирига ишора қиладиган жиҳатларни топиш йўлидан боради. Ўқувчиларга ўз нутқини тушунтириш мақсадига хизмат қила олиши мумкин бўлган ҳамма усул ва воситаларни қидиради.

Ибн Туфайлнинг мажозий тасвирлаш усули, бошқача айтганда, (мажозий тил) маҳорати нафақат эстетик мақсадларга хизмат қилади, балки маънони чуқурлаштиради ва ўқувчи кўз ўнгида ишончли тасвирлар шаклланишига хизмат қилади. Бу, айниқса, унинг “Ҳайй ибн Яқзон” фалсафий романида яққол кўринади, унда у табиат ва ҳиссий тажрибалардан ёрқин саҳналар яратади, мавҳум тушунчаларга аниқлик киритиш позициясидан боради ва бош қаҳрамоннинг характерида содир бўлаётган ривожланиш ва уни ўраб турган моддий дунё билан муносабатларидаги ўзаро таъсир жараёнларини моҳирона тасвирлайди. У ўзининг интеллектуал ва маънавий саёҳатини акс эттириш учун рамзийлик ва персонлаштириш усулидан моҳирона фойдаланади.

Ибн Туфайлнинг баёний (мажозий) тасвирлаш усулида кўрсатган маҳорати қуйидаги ўринларда намоён бўлади:

Адиб табиатни тирик мавжудот сифатида тасвирлаши орқали, асар ўқувчисига инсон ва табиат ўртасида ўзаро муносабатларни бевосита бошдан кечириш имконини бериш, мавҳум фалсафий ғояларни аниқ тасвирларга айлантира олиш усулидан, яъни “таништириш ва тимсол” усулидан моҳирона фойдаланган;

У табиий элементларни (масалан, юлдузлар, қуёш ва ҳайвонлар) дунёни билиш, борлиқ ва мавжудлик каби тушунчалар билан боғлаш орқали, матнни бойитиб ва унинг маъносини чуқурлаштириб, таништириш ва метафоралардан аниқ фойдаланиш усулини қўллаган;

У Ҳайй ибн Яқзоннинг интеллектуал ва когнитив ривожланиш босқичларини ифодалаш учун табиат ва ҳайвонлардан рамз сифатида фойдаланган ва роман учун визуал тил яратган, яъни символизм усулидан фойдаланган;

У сўзлар воситасида саҳнани бойитган, масалан, Ҳайй ибн Яқзон бориб

қолган "Ҳақиқийлик" оролини тасвирлашда ранглар, товушлар ва ҳис-туйғуларни ифодаловчи лексик элементлар ёрдамида кучли визуал ва ҳиссий таъсир кўрсатувчи муҳит яратган ва бунда адиб яхлит санъат асари яратиш усулини қўллаган;

Адиб ҳар бир мажозий тасвирдан шунчаки безак сифатида эмас, балки инсон ва борлиқ бирлиги ҳақидаги мураккаб ғоялар, фалсафий фикрларни ўқувчига содда ва осон тушунтириш, етказиш воситаси сифатида фалсафий ғояга хизмат қилиш усулидан фойдаланади.

XII аср ижод қилган мусулмон адиблари орасида Ибн Туфайл мажозий тилдан шунчаки оғзаки безак сифатида эмас, балки ўзининг фалсафий тажрибасини қизиқарли ва таъсирчан тарзда етказишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланган ва бу соҳада кашшофга айланган адиб сифатида эътироф этилади.

ХУЛОСА

1. Ибн Туфайл – Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Туфайл ал-Қайсий ал-Андалусий Андалусиянинг энг буюк файласуфлари ва табибларидан фалсафа ва тиббиётни ўрганган, ва Султон Абу Якуб Юсуфнинг шахсий шифокори бўлиб хизмат қилган. У шунингдек, машҳур араб файласуфи сифатида тан олинган Ибн Рушднинг замондоши ва дўсти бўлган.

2. Ибн Туфайлни машҳур қилган асар унинг "Ҳайй ибн Яқзон" асари бўлиб, бу араб адабиётида, хусусан, араб романчилик тарихида илк роман сифатида тан олинади.

3. Ибн Туфайл қаламига мансуб "Ҳайй бин Яқзон" номли ушбу китоб илк бор 1150-йилда нашр этилган.

4. "Ҳайй ибн Яқзон" қадимги араб адабиётининг мумтоз асарларидан бири ва ўз туридаги дурдона асар бўлиб, замонавий терминологияда когнитив модел (дунёқараш) деб аталадиган тушунчаларни ва чуқур фалсафий мавзуларни қамраб олган роман дея эътироф этилади.

5. Ибн Туфайл ушбу асарида фалсафа, адабиёт, дин ва таълимга оид қарашларини бирлаштирган.

6. Ҳайй ибн Яқзон ривояти Ибн Сино, Шихоб ал-Дин ас-Сухравардий, Ибн Туфайл томонидан қайта-қайта ёзилган, Ибн ан-Нафис эса бу ривоятни ўзининг фалсафий эътиқодларига мос равишда "Фадл ибн Нотиқ" номи остида ёзган. Бу ривоят кейинчалик Европа адабларидан Даниел Дефога "Робинзон Крузо" саргузашт асарини яратишга мотивация бўлган. Ҳозирда кўпчилик бу ривоят "Маугли" номли мультфильм яратилишига ҳам хизмат қилган.

7. Ибн Туфайлнинг мажозий тасвирлаш усулини қўллашдаги маҳорати нафақат эстетик мақсадларга хизмат қилади, балки маънони чуқурлаштиради ва ўқувчи кўз ўнгида ишончли тасвирлар шаклланишига хизмат қилади.

8. Ибн Туфайл мажозий тасвирлашнинг “таништириш ва тимсол”, метафоралардан аниқ фойдаланиш, символизм, яхлит санъат асари яратиш, фикрларни ўқувчига содда ва осон тушунтириш, етказиш воситаси сифатида фалсафий ғояга хизмат қилиш каби усулларида моҳирона фойдаланган кашшоф адиб сифатида эътироф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ابن طفيل. حي بن يقظان. Hindawi.2016.
2. Ибн Туфайль. «Хайй ибн Якзан». Роман. [pdf](#)
3. حي بن يقظان - ابن سينا. Kitabologia - 4 июн. 2024 г. <https://www.google.com/search>
4. التصوير البياني في كتاب لكيلة ودمنة.د. حفري فاطمة الزهراء Жазоир. Аш-Шаҳид Ҳамалхадзар – ал-Вадий университети. 2019. Б. – 62.
5. التصوير البياني - دراسة تحليلية لمسائل البيان - محمد أبو موسى.pdf. Б. – 52.
6. Абу Мусо Муҳаммад. Ат-тасвир ал-байаний. Дирасатун таҳлилийятун лимасабили ал-байан. Мактабату Ваҳба. Ал-Қоҳира. 1993. 3-нашр. 453 бет.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР

<https://www.google.com/search>

https://www.noor-book.com/book/read_book_image

<https://www.google.com/search>